

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 197 (10.252)

2004 ЙИЛ 12 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ВА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ УЮШМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтотўй» ДАК, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиқа ва қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйдагилар Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари - темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортининг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбул

ҳолга келтириш, республика ҳудуди ва унинг ташқирисидида юклар ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлиги ва мақбулликни таъминлашга қаратилган ҳамкорликни мувофиқлаштириш; иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ахрлининг юк ва йўловчилар ташиш соҳасида мутасил ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг Ягона тугаш транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш;

транспорт тармоғини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал суръатлар билан барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини ошириш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

транспорт коммуникациялари ҳамда иншоотлари қуриш ва уларни реконструкциялаш, транспорт воситаларини янгилаш ва модернизациялаш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга қўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши устидан мониторингини амалга ошириш;

трансмиллий транспорт

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 октябрь

йўлакларини ривожлантириш бўйича таклифларни халқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, халқаро юк ташувчиларга Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб транзит юклар ташишни қўлайтиришлари учун шарт-шароитлар яратиш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан мустақим, ўзаро манфаатли ва самарали алоқалар ўрнатиш;

транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини йўлга этиш;

республика транспорт тизими фаолиятининг барқарорлиги ва ҳавфсизлигини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

КЕЧА халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2004 йил 8 октябрда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 120 та сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларга қамида етмиш кун қолганида раис, раис ўринбосари, котиб ва қамида олти нафар аъзодан iborat округ сайлов комиссиялари тузилиши белгиланган. Округ сайлов комиссияларининг таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланиши лозим.

Қайд этилган Қонуннинг 16-моддасига биноан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 11 та округ комиссиялари аъзоллигига номзодлар муҳокама қилинди.

Хар бир округ комиссиясига раис, раис ўринбосари ва котибни ҳисобга олган ҳолда 11 нафардан номзодлар таклиф этилди. Муҳокамадан сўнг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар рўйхати Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА.

XXI сардоси

Барча навбалардан олдинга сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Ўзбекистон республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: тажриба ва истиқбол» мавзусида халқаро конференция бошланди.

• Марказий банкда мамлакатимиз Президентининг кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга доир Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ижросига бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтди.

• Мамлакатимизда давом этаётган Япония маданияти қунари қатнашчиларидан бир гуруҳи Фаргона вилоятига ташриф буюриб, Фаргона Давлат университетиде японча чойхўрлик маросими ва икебана санъатини намойиш этишди.

• Навоий вилоятида Сармишсой табиий маданий меросини ўрганиши, сақлаш ва бошқаришнинг янгича ёндашувларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бошланди. Унда Япония, Италия, Покистон, Қирғизистон, Норвегия ва бошқа мамлакатлардан таниқли олим ва мутахассислар қатнашмоқда.

• Бухоро вилояти, Вобкент тумани деҳқонлари давлатга 35 миң 400 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик шартнома мажбуриятини уддалади.

• Навоий вилояти, Қизилтепа тумани пахтакорлари ҳам 26 миң 240 тоннадан ортик «оқ олтин» етказиб бериб вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.

Жаҳонда

• Мексиканинг Канкун шаҳрида Халқаро жиноят-қидирув полицияси ташкilotи (Интерпол) Бош ассамблеясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 170 мамлакатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

• Миссури штатининг Сент-Луис шаҳрида АҚШнинг амалдаги Президенти Жорж Буш ва Президентликка номзод Жон Керри ўртасида теледебатларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

• Австралияда парламент сайловлари ўтказилди.

• Янги Зеландияда сиаи эгизакларини ажратиш бўйича ноёб жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Ушбу мамлакат шифокорлари 22 соат давомида бир-бирига ёпишиб туғилган болаларни ажратиш устида иш олиб боришди.

• АҚШнинг NASA космик агентлиги Марс сайрига ҳаракатланаётган Spirit кемасида нозоликлар мавжуд эканлигини маълум қилди.

«Тошкент опен-2004»

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

Хабар қилганимиздек, КЕЧА «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуасида теннис бўйича аёллар ўртасидаги аънавий «Тошкент опен» мусобақаларига старт берилди.

Турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов барча спортчи ва меҳмонларни қутлаб, ҳусусан бугунги кунда Ўзбекистон етакчи спорт мамлакатига айланиб бораётганини, бу борда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг раҳнамолиги алоҳида эътиборга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳар йили «Фьючерс» ва «Челленжер»лардан тортиб то АТФ, ИТФ ва WTA таснифидеги турнирларга чейингизмага яқин теннис бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтади. Улар орасида «Тошкент опен» яқунловчи, сарҳисоб қилувчи турнир сифатида алоҳида тарих тутайди, десак муболага бўлмайди.

Ушбу турнирнинг тарихи 1996 йилдан бошланади. Бошида ун йил давомида у «йигирма беш миң» ва «элик миң»лик мусобақалар макрмига эга бўлган. Ва фақат 1999 йилда «Тошкент опен» номи билан WTA — Бугунжаҳон аёллар теннис уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди. Шунинг кайд этиш лозимки, турнирнинг биринчи голиби

исроиллик Анна Смышнова бўлган. «Тошкент опен-2000»да эса шохсупа турини ҳамкортиמיד Ирода Тулаганова эгаллади.

Бу йилги турнирда деярли икки йил давом этган танаффусдан сўнг Ирода Тулаганова яна иштирок этмоқда. Жароҳатлари туйғайли у бошидан операция кечирди ва жисмонан ҳамда маънан ўзига узок вақт келолмади. Шунга аминимизки, бу йилги турнир Ирода учун нуфузини қайта тиклаш йўлидаги мусобақа бўлиб қолади. Биринчи даврадаги ўйинда Ўзбекистоннинг биринчи теннисчиси асосий жадални бошқариб турган ва WTA таснифиде 41-ўрин эгаси французиялик Марион Бартоли билан беллашади.

Саралаш мусобақаларини инобатга олган ҳолда «Тошкент опен-2004»да 15 нафар ҳамюртларимиз иштирок этмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, асосий ўйинларда мамлакатимиз шарафини фақат Ирода Тулаганова ва Окгул Омонмуродова ҳимоя қилишади. Афсуски, Иванна Исроилова «квалифайн» данок кортни тарк

этишига тўғри келди.

Шу билан бирга турнир жадалда бир нечта ўзгармишлар юзасига келди. Касаллиги туйғайли словвакиялик Любомира Курнажова Тошкент мусобақаларида иштирок этолмайди. Бундай вазият Окгул Омонмуродованинг имкониятларини бироз кучайтириши қутилоқда. Яна ким билсин...

Барча теннисчиларга муваффақият ва чиройли ўйин насиб этишини, ҳамюртларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

«Тошкент опен—2004» турнирининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Маданият ва спорт вазирлиги Алийшер Азизхўжаев ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Рустам Курбонов иштирок этди.

Шаҳло ХОШИМОВА
СУРАТДА: «Тошкент опен — 2004» турнирининг очилиш маросимидан лавҳа.
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат.



Маъин

ЁШ МЕЪМОРЛАР ҲИССАСИ

Республикамизда қад қўраётган кўркам биполарни бунёд этишда бўлажак ёш меъморлар лойиҳаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бундай ўзинга хос лойиҳаларнинг юзага келишида толиби илмларнинг жойларда олиб бораётган амалиёт машғулотлари кўл келмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг марказига кўрк бўлиб қўшилган Республика Сенати биносини қуришда ҳам талабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар. Бунёдкорлик ишлари давомида ёш архитекторлар изланишлари асосида мўъжаз лойиҳа намуналари яратилди.

Айниқса, бу ҳашаматли бинонинг ички хоналаридан товусларнинг бир меъёра бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳа ўз амалий ифодасини топди.

«Ташгирогор», «Таъмиршунослик», «Саноат қурилиш лойиҳа» лойиҳалаш ташкилотлари истеъдодли талабалар изланишларидан мамнундилар.

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЙЎРИҚНОМАСИ

Замонавий ахборот технологияларининг таълим тизмига кириб келиши муҳим маърифий аҳамият касб этди. Бу борада Тошкент Давлат иқтисодий университетиде ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Олий ўқув юртида компьютер технологиялари бўйича алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ана шу муҳим ҳужжатда компьютер технологиясининг университет доирасидаги истиқбол режиси ўз аксини топди.

Ахборот олиш ва узатишнинг замонавий технологияларини магистратура таълимга таъбиқ этишга ҳам эътибор кучайтирилди.

«Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси» дастурини амалга оширишда ҳам магистр талабалар фаолият кўрсатмоқдалар. Бу эса иқтидорли толиби илмларнинг университет веб-сайтини, талабалар билимини текшириш учун электрон-тест тизimini яратишдаги иштирокини таъминлашга ёрдам бермоқда. Шунингдек, технологик кўринишдаги дарслик, ўқув қўлланмалар устида иш олиб боришда магистрларни жалб этишга замин ҳозирлайди.

Бир неча ўқув хонасининг Интернет тармоғига уланиши ҳам компьютер технологияларидан фойдаланиш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Ақбар АЛИЕВ



Юзларидан нур ёғилар бу кизларнинг, Коши қора, сочи сумбул санамларнинг.

Санъат

ЯПОНИЯДА ЯНГРАГАН ТАРОНА

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат консерваторияси хориждаги қатор санъат даргоҳлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Эндиликда олий мусика мактаби Япониядаги маданият ва санъат университети билан ҳам ижодий алоқани йўлга қўйди.

Шу муносабат билан бу икки санъат ўқув масканлари ўртасида шартнома тузилди. Келишувга мувофиқ ўзаро тажриба алмашиш жараёнлари ҳам амалга оширилади.

Бундай ҳамкорликнинг дастлабки натижаси ўлароқ Япония университетиде ўзбек тароналари янгради. Олий мусика мактаби педагог ва талабалари томонидан махсус тайёрланган бу концерт дастурида таниқли бастакор Мустафо Бафоев асарларига кенг ўрин берилди.

Япония маданият ва санъат университети жамоасининг Ўзбекистонга ижодий сафари ҳам кутилмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мағбирлар

ЙИГИТЛАРГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАШДИ

Куни кеча Бектемир тумани Марказий кутубхонасида «Бектемир» маҳалласи фаоллари, муддатли ҳарбий хизматга қақрилган йигитлар иштирокида давра суҳбати уюштирилди.

Бектемир туман мудофаа бўлими бошлиғи Савриддин Шарипов, «Бектемир» маҳалла фуқаролар йигини раиси Исмоил Орипов ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этган ушбу давра суҳбати «Ёшлар овози» деб номланди.

Жонли мулоқотни маҳалла оқсоқоли Исмоил Орипов бошлаб берар экан, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йигини томонидан бажарилаётган ишлар, ўтказилаётган маънавий-маърифий кечалар ҳусусида маълумот

Ватанимиз мустақиллигини, юртимиз тинчлиги-осойишталигини асраб-авайлаш мард, жасур ўғлонларимизнинг шарафли бурчи. Айни кушларда муддатли ҳарбий хизматга қақрилган йигитлар ўз бурчларини бажаришга астойдил шай бўлиб туришибди. Муҳими, ҳарбий хизмат сафарига жўнаш тарадудиде юрган йигитлар билан маҳаллаларда, зиё масканларида оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Дарвоқе, маҳаллада болажонлар учун спорт мажмуаси фаолият юритяпти. Маҳалла болаларининг деярли барчаси жисмоний тарбия ва спортнинг бирор тури билан мунтазам шугулланади. — «Шу боис ҳам, деди оқсоқол, — бугун ҳарбий хизматга чоғланаётган етти нафар йигитларимиз

тиббий кўриқдан муваффақиятли ўтишди. Ишонаманки, йигитлар мамлакатимиз мудофааси, юртимиз тинчлиги-осойишталиги йўлида бор билим ва имкониятларини ишга солиб, ўз вазифаларини аъло даражада ўтаб қайтишди.

Туман мудофаа бўлими бошлиғи Савриддин Шари-

пов ҳам Ватан шаънини асраш муқаддас бурч эканлигини таъкиллаб, бектемирлик ўғлонларга бу шарафли вазифани муваффақиятли адо этишда омаллар тилади.

Шунингдек, ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар номидан сўзга чиққан Абдуҳалил Жалилов, юртимиз истиқлолини кўз қорачигидек асраш ҳар бир йигитнинг зиммасидаги масъулиятли вазифа эканлигини яна бир карра ёдга олгани ҳолда, маҳалладошларига ҳарбий хизматни шараф билан ўташ имкони берилаётганлигини айтиб ўтди.

Хуллас, кечга қадар савол-жавоб тарзида давом этган ушбу тадбир барча қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди. Маҳалла фаоллари эса йигитларга оқ йўл тилашди.

(Ўз мухбиримиз)

Собир Раҳимов туманидаги Беруний номидаги маҳаллада яхши бир анъана бор. Маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисаси бошчилигида маҳалладаги нуруний онахонлар ҳар йили шаҳримизнинг сўлим оромгоҳлари, муқаддас зиёратгоҳларини айланиб, мароқли дам олиб қайтишди.

КЕКСАЛАР КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛДИ

Яқинда маҳалла аҳли Юнусобод туманида жойлашган сўлим ва баҳаво масканлардан «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси зиёратига бўлишди. 16 гектар майдонни ўз ичига олган ушбу масканни айланиб, катта таассуротлар олган онахонлар 2 бўлимдан иборат музейни қизиқиш билан томоша қилишди.

Баъзилар қатагон йиллари қўрбон бўлган яқинларини бир-бирларига сўзлаб эсга олишди. Музейда айниқса онахонларни эътиборини тортган нарса мустақиллигимизга бағишланган бўлим бўлди.

Шу куни аёллар автобусда шаҳримиз-

нинг гўзал масканларини, жумладан янги бунёд этилган иморатлар, маҳобатли кўприклар, ёшлар клуби, болалар боғчалари ва бошқа иншоотларни кўриб кўзлари қувнаб, бу ишларнинг бошида турган Юртбошимизга тасаннолар айтиб дуо қилишди. Шунингдек, ушбу саёҳатни ташкил қилган маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисаси Матлубахон Нигмоновага ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Мазкур зиёратдан барча онахонлар кўнглилари чоғ бўлиб, катта таассуротлар билан қайтишди.

Раъно РАҲИМБЕКОВА

ОЛИМЛАРНИНГ ГРАНТ БУЮРТМАЛАРИ

Тошкентда «Грантларни ёзишда самарали рақобат» мавзуда семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия, Украина, АҚШ мамлакатлари, шунингдек, Европа Иттифоқи ташкилотидан вакиллар иштирок этишди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси ва Республика Фан ва технологиялар маркази кўмағида Украина илмий-технология маркази (УИТМ) томонидан ташкил этилди. Семинарнинг мақсади, илгари ҳарбий соҳада банд бўлган олимларни ўқитиш, уларнинг фуқаролик тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш учун донорлик буюртмаларини беришдан иборат.

— Ўтган йили кузда биз Тошкентда «Биотехнологияларни ва хавфсизлики

тижоратлаштириш» мавзуда семинар ўтказган эдик. Унда маҳаллий олимларнинг эътиборини биологик ва кимёвий қуроллар ҳамда улар ҳақидаги билим ва технологияларни тарқатмасликка қаратган эдик, — деди УИТМ ижрочи директори Эндрю А.Худ. — Шу муносабат билан бизлар юқори даражадаги мутахассисларни тинчлик ва хавфсизлики таъминлашга қаратилган тадқиқотларга жалб этиш юзасидан ишларни давом

этирдик. Ушбу семинарда МДХ олимлари Фарбағи донорлик ташкилотларига грантлар учун буюртма бериш жараёнлари билан танишишлари мумкин.

Эндрю А.Худнинг таъкидлашича, халқаро ташкилотларнинг вакиллари семинар иштирокчиларига буюртма бериш ва бизнес режани қандай тайёрлаш, унга қайси муаммо ва йўналишларни киритиш мумкинлигини айтиб беришди.

«Туркистон-пресс»

Иқтисоқий

ЎНИНЧИ ҚЎШМА КОРХОНА

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналаридан бир нечтаси фаолият кўрсатмоқда. Фақат кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан 20га яқин корхона шугулланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар сони ўнгага етди. Янги бунёд этилган қўшма корхона эса сут маҳсулотлари ва мева шарбатларини қайта ишлаш жараёнларини амалга оширади.

Гап шундаки, «Тошкентсуд» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотларини четга кўпроқ экспорт қилиш мақсадида ана шу корхонани очиб ташаббусқори бўлди.

Бунинг учун бирлашма Россиядаги «Вимм Билл Дан» компанияси билан шартнома имзолади.

Янги корхонани замонавий техника ва асбобуқсуналар билан жиҳозлаш мақсадида катта ҳажмда маблағ ажратилди.

Ўзаро келишувга бинан маҳсулотларнинг кўпчилиги Россияга етказиб берилади.

Анвар ВАЛИЕВ

Шарқ дурдоналари



• Бир вақтда бир тўда дарвешлар билан бир шахарга етиб келдик ва шахар подшошининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайликки, зулим сабабидан диёр хор, золим эса, ўтда куйишга сазовордир. Агар бирор тоифа устига бало ёғилса, катта-ю кичика баробар таъсир қилади.

Бир диёрга тушса, офат ва бало,

Халок бўлар катта-кичик бегумон.

Бир далага тушса ёнгину олов,

Бирдек куяр ҳўлу курак уша он!

У диёрдан кетишга қарор қилган, татар мамлақати сари йўл олдик. Бир неча турк икки хуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдлар. Бундан оғоҳ бўлган ўғрилар тоифаси изимиздан кела бошлади. Золим подшо эса ўғрилар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишгач, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғрилар орқасидан лашкар юборди.

Дам олишга турганимизда одамлар овқат ейишга машғул бўлдлар. Дўстларимдан бири менга деди: «Шу яқин атрафда ов қиладиган чашма бор, ёнимизда эса камон. Агар лозим кўрсанг, ўша жойга берайлик. Эҳтимол биронта ов домга тушиб қолар!» У ерга бориб бир пана жойга бекиндик. Ногоҳ бир жойдан ит овози эшитилди, мен уларга: «Туринглар, ит овози келяпти. Демак ўғрилар орқамиздан пойлаб юрипти, бориб карвонга хабар берайлик!» дедим. Карвонга бор воқеани айтдик, ҳамма ўрнидан турди, қанча кидирмайлик, ўғрилари топа олмадик ва шошиб йўлга тушдик... Кечқурундан то эрталабгача йўл юрди ва бир манзилга етиб бордик. Икки эшагимиздан бири ўлиб, бири қолди. Ногоҳ ўнг тарафга боқиб, қирқта девсифат попоқ қароқчини кўрдикки, ҳар бири тун мисоли дахшатли, қўлидаги тиллари эса, нур каби ўткир ва шиддатли эди. Бу бадбахтларнинг ҳар бири момақалдирак чабки шуъла гумбирлаб чинкирарди, қўлларидаги тиғи эса, чақмоқ каби шуъла сочиб ярқиради. Улар бизга яқинлашган вақтда ҳаммамиз қалъа тепасига чиқиб яшириндик. Бир кун қалъа остида пойлаб ўтирдилар. Охири ўринларидан турриб, жўнаб кетдилар. Эштишимча, улар қайтиб боришгач, золим подшо билан ораларида жанг юз берибди ва икки томондан кўп киши ўлиб, дўзахга равона бўпти!

Китъа:
Муборак саналур, наҳс бўлса ҳам,
Ўзаро жанг қилса икки ситамкор.
«Икки золим жанги — маълум нажоти»,
Элда шундай деган улуг нақл бор!

Ўзбекистонда Япония маданияти кўнлари

Киночилар уйида Япония кино фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. У «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида Япония жағфармаси ва ушбу мамлакатнинг республикамиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

ЯПОН КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён Япония маданияти кўнлари доирасида япон киноси фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланди. Шуниси эътиборликки, бундай тадбирлар икки халқ маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Ўзбек кино усталарининг Кунҷиқар мамлакатда намойиш этилган «Ойижон», «Кичкина табиб», «Дилхирож» каби фильмлари япониялик томошабинларда катта қизиқиш уётган.

Ўзбекистонлик кино ихлосмандлари бир ҳафта давомида «Тонг», «Биринчи сеғми», «Илонбалик», «Юнико», «Майда қор» ва бошқа кўплаб фильмлари томоша қилади. Фестивалдан кўзланган мақсад нафақат япон фильмларини намойиш этиш, балки ушбу мамлакат замонавий ҳаёти ва ютуқлари билан таништиришдир.

Фестиваль Саваи Синъитронинг Гоҳара Хироси романи асосида суратга олинган «Сеғми куйи» мелодрама-си билан бошланди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото иштирок этди.

Ушбу тадбир ўз кўламига кўра, мижозлар, улар хонадонидидаги ҳисоблагичлар ҳолати, ҳисоб-китоблар ва бошқа шу сингари ўнлаб саволларга жавоб бериши керак эди. Утган қарийб 2 ой мобайнида текширувлар ўтказилди. Тошкентда ўн мингдан зиёд турли ташкилот ва корхоналар, маиший хўжаликлар, шунингдек, 558,5 миң аҳоли ўртасида мижозлари бор экан. Айни чоғда, айникса, аҳоли ўртасида қарздорлик ҳолати, электр энергиясидан фойдаланишда турли-туман ўзбошимчиликлар кўпайиб қолганлиги маълум бўлди. Ушбу сатрлар муаллифи бир неча бор Собир Раҳимов туманидаги электр назоратчилари билан бирга хонадонларда электр энергиясидан қандай фойдаланилаётгани текширилишини гувоҳи бўлди. Масалан, шу туманининг Чимбой кўчаси, биринчи боши берк кўча, 13-уйда Мусаевлар оиласи истиқомат қилади. 2002 йил 27 апрелда фойдаланилган 200 киловатт учун ҳақ тўлаган. Шу вақтда ҳисоблагич 0663 ни кўрсатган. Орадан 8 ой ўтиб, 2003 йилнинг январияда у яна 200 киловаттга пул тўлайди. Кўрсаткич 0863. Қўринишидан ҳамма нарсаси росоладагидек. 2003 йилнинг мартидан то 2004 йил февраль ойига қадар ўтган вақт ичиде тағин 200 киловаттга ҳисоб-китоб қилган. Агар 200 киловаттнинг ўтган 11 ойга тақсимлайдиган бўлсақ, бу хонадон ўртача ойига 19 киловатт электр қувватидан фойдаланган. Ҳисоблагичдаги «Ўздавстандарт» муҳри бузилган. Текширувчилари ана шу нарсаси шубҳага солди. Ҳақиқат шу тумандаги Ғофуров кўчаси, 67-уйда яшовчи Ўлагановлар оиласи электр энергиясидан қандай фойдаланаётганига эътибор беринг. Бу хонадон ичкарилик-ташқарилик уйларида яшайди. Кўча томондан кираверишдаги кичкина иморатда электр ҳисоблагичи мавжуд. Лекин, дангиллама икки қаватли иморатнинг барча электр жиҳозларига борган симлар ҳисоблагични четлаб ўтади. Очқикдан очик электр энер-

гиясидан ўғринча фойдаланилапти. Бундай камчиликларни ёки бошқа аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсақ, «уддабуронлик» ларни бошқа жойларда ҳам кўрдик. Юнусобод туманидаги 13-даха, 8-уй, 29-хонадонда яшовчи Чўйков, шу тумандаги 15-даха, 1-уй, 8-хонадон эгаси О.Қоршиқова, Хурматли кўчаси, 20-«Б» уйи соҳиби М.Едгоровва, Зарипов кўчасидаги 20-уй эгаси Олимжоновлар хонадониде ҳам электр энергиясидан

аниқланган тақдирда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган даражадаги жавобгарликка тортилсин», деб таъкидланган.

Аслини олганда электр ҳисоблагич аҳоли учун янгилик эмас. Газчилар, сувчилар, ҳатто телефончилар энди-энди махсус ҳисоблагичлар ўрнатиб, ҳисоб-китоб қила бошлади. Электр ҳисоблагичлардан фойдаланишда эса аҳоли росма-

электр жиҳозлар, кўрсак-кўрмасак телевизорлар (бир нечта) ишлаб турганини кўрамыз.

— Нима китпи, пулини тўлагандан кейин ишлатаверади-да, дейишлари мумкин. Лекин ҳамма гап шунда-да: пулини ҳамма ҳам тўлай олмайпти. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, йигилиб-йигилиб, тўловлар хажми ортиб бормоқда.

Маълумки, мижозлар қувватлардан фойдаланишлари қараб турли тоғфаларга бўлинади: хусусий фирмалар, маиший хўжаликлар ёки йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўз йўналишларига қараб турлича ҳақ тўлайдилар.

Масалан, Сергели туманида «Диалес», «Мухторов А» хусусий фирмалари энергиядан рекламалари учун фойдаланиб исрофгарчиликка йўл қўйишяпти. Чилонзордаги «Мактаб мебел», Акмал Икромов туманидаги 221-газета дўкони, электр энергиясидан очқикдан-очик фирромлик билан фойдаланишган.

Миробод туманидаги «Афросиёб», ООО «Умид Дента Сервис» корхоналари, Шайхонтохур туманидаги «Анбар отин», Худойбердиев хусусий фирмалари ўзбошимчилик билан электр тармоғига улашиб олишган.

Бундай фирром мижозларнинг номини кўплаб келтириш мумкин. Ана шуларнинг ҳисобига бугунги кунга келиб фақат инвентаризация даврида аниқланган 6,4 миллиард сўм қарз — тоғдек қарз вужудга келган.

Албатта назоратчилар, умуман энергия сотиш тизими ходимлари белгиланган тарзда жарималар солишяпти, электр манбаларини узиб қўйишяпти... Лекин бу билан масала ҳал бўлмайди-да. Хамонки, бозор деб аталган муносабатлар ҳар биримиздан жамият, табиат неъматлари, инъомларидан, пуллик бўладими, ёки текими, тежаб-тергаб, укув билан фойдаланиши такозо этар экан, ҳаммамиз шунга тайёр туришимиз лозим.

Азамат МАКСУДОВ,
«Ўзэнергоахборот»
маркази ходими

Халқ банкида Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти билан ҳамкорликда кредит ахбороти алмашувини жорий этишнинг айрим муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

«КРЕДИТ ОЛУВЧИ ТАРИХИ» НИМА?

Юртимизда МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб кредит ахбороти ҳисобини юритиш ва банкларо кредит ахборотлари алмашувини икки погонали тизими яратилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 апрелдаги «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мазкур тизимнинг биринчи погонасида Марказий банк таркибида ташкил этилган Кредит ахбороти миллий институти тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиб, кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш билан шуғулланади. — деди ушбу институт директори Хусан Жумаев ЎЗА мухбирига, — Иккинчи босқичда Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошида ташкил этилган Банклараро

кредит бюроси эса қарз олувчининг кредит тарихини ва корхоналар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизимини шакллантиради. Барча банкларни қарз олувчининг кредит тарихи билан таъминлайди.

Бу ўз навбатида банкларнинг кредит операциялари бўйича таваккалчилик даражасини камайтиришга шароит яратиб, иқтисодийнинг реал секторига, хусусан, кичик бизнес субъектларининг айланма маблағга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини беради. Айни вақтда ушбу тизим айрим шахслар томонидан банклардан асоссиз кредит олиш ва уни ўзлаштириб юбориш ҳолатларига қатъий чек қўяди.

Семинарда кредит тарихини юритиш учун ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, жараённи тўлиқ автоматлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА

Тўловлар
ТАБИЙ ЗАҲИРАЛardan ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФойдаланаЙлик

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўз навбатида «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ҳам ана шу қарор асосида махсус тадбир ишлаб чиқди. Унга кўра, шу йилнинг август ойидан эътиборан Тошкент шаҳри аҳолиси хонадонларида электр энергиясидан қандай фойдаланилаётганини ўрганиш мақсадида ўзига хос хатлов — инвентаризация ўтказилди.

турли кингир усулларда фойдаланиб келишган. Назоратчилар томонидан улар устидан тегишли далолатномалар тўзилди. Аҳолидан ташқари йирик корхоналар, маиший хўжаликлар ва бошқа ташкилотлар ҳам электр энергиясидан фойдаланиб, пулига келганда «тортинчоклик» қилишяпти. «Ўзэнергосот» ташкилотининг берган маълумотига кўра, айни чоғда «Дэу Тошкент» корхонаси энергетикадан 580 миң сўм, 2-шаҳар юкумили касаллик шифохонаси 3 миллион 387 миң, 4-сил касалликлари шифохонаси ярим миллиондан зиёд қарзини тўламай келяпти. Юқорида биз тилга олиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг қарориде «... исстеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш жиҳозлари ҳолатини текширишга ва кўрсаткичларни ёзиб олишга тўсқинлик қилиш ҳоллари

на унинг ҳадисини олиб бўлган. Миллионлаб кишилар электр энергиясидан фойдаланишда ҳақини вижондан ўз вақтида тўлаб келинади. Лекин ҳисоблагичнинг тилини бураб, уни ўз билганича ишлатиб, фирромлик йўлига ўтиб олганлар ҳам талайгина. Лекин, уларнинг номини биттама битта кўрсатиб ўтишдан наф йўқ. Инсофни узларига берсин.

Шуни айтиш керакики, бугунги кунда исстеъмолчиларга етарли даражада электр ва иссиқлик қувватини етказиб беришга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Гарчи, sanoat, ишлаб чиқариш мажмуида энергетика тизими макбул ҳаракат қилаётган, станциялар фаолиятида узилишлар у қадар юқори бўлмасада, беҳудда харажат, исрофгарчилик кинга керак.

Баъзи хонадонларга кирсангиз, бирварақайига қатор-қатор чироқлар,

Муффа олам**«ТАДБИРКОР»
ДИРЕКТОР**

Суратда шундай манзара мавжуд: олифта кийинган, кап-катта одам соат тилига осилиб турипти. Бир қараганда бу киши ўта маданиятли кимса сифатида яққол кўзга ташланади.

Аммо қилаётган қилигидан эса... Катта-кичиги бўлмас экан-да, деган ҳаёлга бориш мумкин. Аслида бу одам Швейцариядаги соат ишлаб чиқарувчи фирманинг директори. У ўзлари ишлаб чиқарган соат тилларига осилиб турибди. Сабаби, соатнинг қанчалик пишиқ-пухта эканлигини ўзи ташвиқот қилмоқда.

**МАЙМУН—
АЙФОҚЧИ**

Компьютер хақери (ёвуз ниятли кимса) Пентагон бўлинмаларидан бирининг қодини ўз компьютерида топиб олгани маълум бўлиб қолди.

Харбий идоранинг компьютер хизмати дарҳол бузғунчи-айфоқчининг манзилига бостириб борди. Хавфсизлик агентлари жиноят устида тутишгани маймун бўлиб чиқди. У бемалол компьютер ўйнаб ўтирарди. Уй эгаси шундай деди:

— Маймумим компьютер ўйинларини ўйнаб ўтирганида мен чиқиб кетдим. Афтидан, ўйин жонига теккан маймун клавишларни пала-партиш босавериб сизларнинг сирларингизга тушиб қолган.

Хизматчилар сувга тушган мушукдек чиқиб кетишибди.

**ТАМАКИ
ЧЕККАНИДА
БОРМИ...**

Ёмон одат тез юқади, деб бежиз айтилмаган. Бу гапда жон бор, албатта. Ҳатто бу одат махлуқотларга ҳам юқаркан.

Англиядаги ҳайвонот боғининг Жо лақабли шимпанзеси хизматчилар лабиди трубка кўраркан сўлакларни оқиб юрарди. Бир куни унга кимдир ўйинчоқ трубка совға қилиб кетибди. Шундан буён унинг лабидан трубка тушмайди. Бордию худо кўрсатмасин, маймун чинакам трубкага эга бўлиб, тамаки чекканида борми... чекишга ишқибозлар учун ажойиб ташвиқотчи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ
тайёрлади.

**МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ
ИШ БОШЛАДИ**

Юртимизда мустақкам қарор тошган тинчлик-осойишталик ва фаровон турмушнинг кадрига етиш ва уни кўз қорачигдек авайлаб асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Айниқса, эл-юрт осойишталиги посбонлари нафақат мард ва жасур, балки она юртини севадиган фидойи инсонлар бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса, аввало, уларнинг маънавий-маърифий савиясини янада юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ички ишлар тизимида бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритаётган «Маънавият ва маъ-

рифат» марказлари ана шундай жасур ўғлонларни тарбиялашда хайрли ишларни амалга оширяпти.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида янги маънавият маска-

Тошкентда кичик миқёсдаги ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича навбатдаги грант шартномалари имзоланди.

**ИЖТИМОЙ
ЛОЙИҲАЛАР
УЧУН**

Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кунчиқар мамлакат ҳукумати ажратган грант шартномалари имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Кичик қўламдаги ижтимоий лойиҳалар бўйича Япония ҳукумати ажратаётган грантнинг умумий миқдори 364 минг 971 АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу беғараз ёрдам ҳам мамлакатимиз таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилади. Ажратилаётган грантлар Тошкентдаги 241-, 107-мактаблар, шунингдек, Тошкент банк коллежининг моддий-техника базасини яхшилашга сарфланади. Молиявий лойиҳанинг бир қисми эса Фарғона вилоятининг «Риштон» ёшлар маркази ҳамда «Моҳларойим» аёллар ва ўсмирлар Республика ўқув-амалий маркази фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.

Япония ҳукумати Ўзбекистон билан соғлиқни сақлаш тизимида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ушбу соҳага йўналтирилган молиявий кўмак ҳам ажратди. Салкам 90 минг АҚШ долларини миқдоридagi грант Тошкент трактор заводининг тиббиёт-санитария бўлимини зарур асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминлашга ишлатилади.

Алоуддин ҒАФҒОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Кўрғазмалар

Ўзбекистон Амалий санъат музейида Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институти бадий кулолчилик бўлимининг 5-курс талабаси, бухоролик рассом-кулол Абдувоҳид Каримовнинг шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

**МИЛЛИЙ
КУЛОЛЧИЛИК
НАМУНАЛАРИ**

Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадимий даврлардан бошлаб кенг тарқалган ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган, муҳим касб-хунар соҳасидир. Сопол буюмлар асрлар оша ёдгорлик сифатида сақланиб, халқлар ҳаёти, уларнинг турмушидан, маданиятидан ашъвий далил сифатида тарихимиздан ўрин олади.


Абдувоҳиджоннинг кичиналигидан санъатга, табиатга муҳаббат қўйишига онаси Солиҳа опа сабаб бўлган. Уғлининг тарбиясига, санъат сирларини пухта эгаллашига катта аҳамият берарди. Уч ёшиданок у пластилиндан ҳар қанақа нарсалар ясарди ва бу ижод кундан кунга тобора ошиб борарди.

Рассом-кулол А.Каримов Сомониёлар даврига мансуб сопол буюмларни катта қизиқиш ва диққат билан кўздан кечирарди ва ўша замоннинг руҳини ўзининг ижодида катта маҳорат ва усталлик билан ишлатади. Бу ишларида К.Бехзод номли миллий рассомчилик ва дизайн институ-

тини очилди. Салкам беш юз ўринга мўлжалланган бу даргоҳнинг очилишида мазкур бош бошқарма бошлиғи Ғ.Қодиров унда ташкил этиладиган тадбирлар милиция ходимлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Замон талаби даражасида безатилган маскан компьютер ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозланган. Унда ўтказилган илк ўқув машғулотини тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



тининг ўқитувчиси устоз Ф.Тошмухамедовнинг ҳиссаси катта.


Ёш кулол А.Каримов яратган асарлари ниҳоятда ранг-баранглиги, ўзига хос ноёблиги билан ажралиб туради. Кўрғазмада лаганларнинг ҳар хил турлари учрайди, қосаларнинг турли вариантлари — коса, шокоса ва бошқа буюмлар қўйилган.

Айниқса, қўлда қолип ёрдамида ясалган «Бир бокишин», «Тарози» катта лаганлар ва чархда ясалган «Афросиёб» шокоса (қизил лой, ложувард сир, рангли гилваталар) каби ижодий асарлар одамини ўзига ром қилади.

Кўрғазмага қўйилган асарлар санъатшунос, мутахассислар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Раҳматхон АҚМАЛОВ
СУРАТЛАРДА: кўзғазмадан ўрин олган миллий кулолчилигимиз намуналари.

Муаллиф олган суратлар

**Маъин****ДИЗАЙНЕРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ**

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъати йўналишларида кўплаб малакали кадрларни етиштириб бермоқда.

Бу ерда музей иши ва ёдгорликларни сақлаш, амалий графика, бадий кулолчилик йўналишлари бўйича ташкил этилаётган ўқув ва амалий машғулотларга ҳам талайгина истеъдодли ёшлар жалб этилган.

Бўлажак ижодкор дизайнерларнинг янги авлоди ҳам етишиб чиқмоқда. Архитектор-рассом, интерьер, лойиҳалаш дизайнерлари тайёрлаш-

га ҳам киришилди. Кўрғазма ва байрам тадбирлари билан шуғулланувчи моҳир дизайнерлар сафи кенгаймоқда.

Газлама ва либосларни лойиҳалаш, зийнатли безаш соҳасида ижод қиладиган ёш мутахассисларни тайёрлаш борасида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Аҳмад АББОСОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**Тадриқлаймиз, қутлаймиз!**

Хўрматли Манзураҳон
Музаффаровна Мухамедова!

Сизни 12 октябрь — таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқшини тилаб, дўстларингиз номидан

Тойир Мустафоқулов

Спорт

**ҲАМШАҲАРЛА-
РИМИЗ КҮЛИ
БАЛАНД КЕЛДИ**

Гандбол — кўл түпи ҳам қизиқарли спорт турларидан биридир. Фақат футболда оёқ билан бетақорр ва чиройли голлар урилса гандболда дарвозалар кўл орқали бериладиган зарбалар билан забт этилади.

Қувонарли томони шундаки, кейинги пайтларда республикамизда баскетбол, волейбол каби жамоавий спорт турлари қаторида кўл түпи ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Шаҳримизда гандбол бўйича ташкил этилган Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги турнири ҳам фикримиз далилидир. Ушбу мусобақа сермахсул, хужумларга бой тарзда чиройли курашлар остида ўтганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қизиғи шундаки, ҳам эркеклар, ҳам аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларнинг ҳар ихкаласида ҳам ҳамшаҳарларимизнинг кўллари баланд келиб, бош совринларни кўлга киритишди. Хусусан, эркеклар ўртасида барча рақибларини доғда қолдирган Ўзбекистон Миллий университетининг «ЎЗМУ» жамоаси голиб чиққан бўлса, аёллар баҳсида «Чимкент» жамоаси устидан ғалаба қозонган «Алгоритм-1» командаси ғалаба нашдасини сурди.

**СУВ ҲАВЗАСИДА
— БЎЛҒУСИ
ЧЕМПИОНЛАР**

Болаер спортга деганда биз кўпроқ футбол, сузиш, теннис, гимнастикани тушунамиз. Айниқса сузишнинг инсон организмни учун фойдаси беқиёс. Болалиқдан сузишга ошно бўлган инсон соғлом ва чиниққан ҳолда ўсади, ҳар қандай дард ундан чекинади.

Миробод туманидаги 12-олимпия захираларини тайёрловчи ихтисослашган болалар ва ўсмирлар мактабида ушбу спорт маскани биринчилиги учун саккиз ёшдан ун бир ёшгача бўлган болалар иштирокида ўтказилган мусобақани ҳам болалар спортини ривожлантириш йўлидаги ўзига хос қадамларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Сув ҳавзасида тенгдошларидан ўзиб кетишга интилаётган бўлғуси чемпионларни эса ота-оналари, бобобувилари қизгин қўллаб, ғалаба сари руҳлантириб туришди.

Бирок энг муҳими ғалаба ҳам эмас. Энг яхши сузувчи болажонларга мусобақа хомийлари — Австриянинг «Есаром» фирмаси томонидан қimmatбахо эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Хуллас, бу ерда Саидкамолхон домланинг оддийгина ички ва ташқи ховлилари бўлиб, келди-кетди аримасди. Бу хонадонга ўша даврининг не-не улуғ ва табарруқ зотларидан: Алижон домла, Абдулла Қодирий, Абдурахмонхўжа Қози домла, Манноп табиб, Мулла Зайниддин ва бошқаларнинг муборак қадамлари этган.

Саидкамолхон домла хонадонларидан дарвешнамо, боши хумдай Сомсоқ деган ёши қирқлар атрофидаги бир фақир ҳам кўндан бери паноҳ, меҳр-саховат топган эди. Аслида Сомсоқ домланинг хизматқори ҳам, хонадоннинг қоровули ҳам эмас, балки унинг беминнат, беозор эркатойи, овуноғи эди ҳолос. Шу сабабдан Сомсоққа ҳеч ким (баъзи ўйинқароқ, тегажох кўча болаларидан ташқари) қаттиқ гапирмас, дилини оғритмас эди. Балки маҳалладаги катта-кичик ўзининг топган-тутгани билан уни сийлар, кўнглини овлар эди.

Бунинг исботи сифатида унинг ҳар бир хонадонда ўз ризқу насибасини, идиш-товоғи албатта бўлишини айтиш кифоя. Шу сабабдан Сомсоқ алоҳида иззат-хурматда бўлиб, эрта-кеч овқат ейишдан бўшамасди, бўрдоқдай семириб, қорин қуйиб, тарвуздай дум-думалоқ бўлиб кетганди. Доим унинг икки юзи нақш олмадай қизарган, бурни терлаган, соч-соқоли, тирноқлари ўсган, лабиниңг икки чети бичилган, лунжи осилган, қош-қовоғи солинган, кийим-боши кир-чир бўларди. Сомсоқ эрта баҳордан кеч кузгача оёқяланг юрарди. Шунинг учун товуларни тарс-тарс ёрилиб, баъзан тупроқ аралаш қон талашиб, яра-қаба бўлиб, пашшаларга таланиб ётарди.

Фақат қиш келиб, совуқ тушиб, қор ёққанида устига енгил-елли нарса кияр, оёғига қалиш иларди. У кўпинча кўча эшик олдида тикка ёки чўккалаб деворга суяниб, офтобда исиниб ўлтирарди. Утган-кетган ер остидан хўмайиб қарарди, ҳеч кимга ҳеч нарса демасди, емишли бир нарса берсанг оларди, дарров оғзига соларди.

Улуғ айём кунлари, айниқса рўза пайтлари қўяберасиз. Сомсоқнинг кунли туғарди, бити тўкиларди. Унинг егани олдида, емагани ортида, кийим-бошларига ҳам биров сон тегарди. Домланинг кўрсатмаларига мувофиқ, уйдаги хизматқорлар ҳафтада бир-икки марта Сомсоқни ювинтириб,

усти-бошини алмаштириб қўйишса ҳам, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, Сомсоқ полвон ўша-ўша тепса-тебранмас эди. Буни кўрган маҳалладаги баъзи китмир болалар унинг юриш-туришидан қулиб, мазаҳ қилишарди, унга тош, кесак отиб, қалақа қилишарди. Шунда у баъзан йиғламсираб улардан ўзини четга олиб қочарди, жаҳли чиқиб ўшқирарди:

— Нима, мен ойнинг эриманми? Нега менга тош отасан!

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

(Бўлган воқеа)

Ёшлигим Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳаси, Эшонгузар (хозирги Каттабоғ)маҳалласида ўтган. Йўлдош Охунбобоев номи 45-ўрта мактаб ақинида ўз замонасининг маънавиятли, маърифатли, маданиятли вакилларида бири Саидкамолхон домла (1876-1941) оилалари билан яшар эдилар. Таниқли адиб Ҳабибулла Қодирий ўзининг «Отам ҳақида» номли хотиралар китоби (178-180 бетлар)да у кишининг номини алоҳида меҳр ва мамнуният билан қаламга олган.

Шу сабабдан бўлса керак, у доим нимадандир, қимдандир хавфсираб, ён-атрофга олазarak қоқиб, кўчанинг бир чеккасидан, деворга теккудай эҳтиёт бўлиб юрарди. Мен уни кўрдим дегунча ёнига келиб, хол-аҳвол сўрардим, ширинлиқлар берардим. Шунда унинг қош-қовоғи биров очилди, ер остидан менга майин жилмайиб кўярди.

— Анув бола ёмон. Менга тош отиб, пешонамни гурра қилган, ундан қўрқаман. Сен яхши боласан, менга тош отмайсан. Тўйингда мени роса оша тўйдиргансан-а? Бўкиб қолишимга озиғна қолган, — дерди мени ҳар кўрганида.

Айтишларича, Саидкамолхон домла бир куни эрталаб Сомсоққа дептилди: — Пастки маҳаллага тушиб, Зиёвуддин қори, Зухриддинхон, Хомидхўжа, Абдуҳакимхўжа, Абдурафиқхонларга хабар бергин. Шу бугун намози асрдан кейин бизниқига норинхўрликка чиқисини. Тушундингми?

— «Тушундим», дегандай бошини қимирлатибди Сомсоқ.

— Қани, тушунган бўлсанг, айт-чи, кимга, нима дейсан? Сомсоқ домланинг ҳамма айтган гапларини оқизмай-томизмай қайтариб, унинг ижросига киришибди. Энг аввал Зиёвуддин қори поччанинг кўча эшикларини тақиллатибди, хонадан соҳибларига айтадиган гапини айтиб-

ди. Йўлакда катта сопол лагандаги совуқ мошқичирини пок-поккиза тушириб, орқасига қайтибди, бу ҳақда домлага айтиб берибди. Кейин яна ўша кўчанинг ўртариғида жойлашган Хомидхўжа ақанинг уйлари эшигини тақиллатибди. Айтадиган гапини айтиб, Мелихон амма мис товоқда узатган серқатиқ мошхўрдани ичиб, орқасига қайтибди, бу ҳақда домлага айтибди. Кейин яна ўша кўчанинг ўртасидан сал нарироқда жойлашган Зухриддинхон ақанинг уйлари эшигини тақиллатибди. Айтадиган гапини айтиб, Фотимахон ая тандирда ёлган иссиқгина серғўшт, серёғ сомадан беш - олтитасини еб, устидан бир коса сув ичиб, орқасига қайтибди, бу ҳақда домлага айтибди.

Пешиндан кейин яна ўша кўчанинг охири, яъни Чақар ариғи яқинидаги Абдуҳакимхўжа, Абдурафиқхонларнинг ҳам уйлариғи бориб, топшириқни эгаларига шахсан етказибди. У ерда ҳам остонада ўлтириб, катта заранг косада ке-чагидан қолган серқаси, серқаз паловхонтўрани битта ёлган нон билан тушириб, устидан бир хурмача қатиқ ичиб, тагини ялаб, орқасига қайтибди бу ҳақда ҳам домлага сўзлабди.

Бундан кейин домланинг сабр кosalари тўлиб, ўзларича Сомсоқни койиған бўлибдилар:

— Э, қизиқ экансанку, уйимиз билан Лақлакхона ораси нари борса бир чақирим бўлса. Шунга эрталабдан бери беш марта бориб келдинг-а, барака топқур! Бир марта борганинда ҳамма ишни бирданига битириб келсанг бўлмайдингми? Сенга иш бюяганимга ҳам ҳафа бўлиб кетдим, жонимни бўзимига келтирдинг-ку, жинийвой!

— Мен жинни эмасман, домлажон, жинни эмасман! — дебди Сомсоқ бошини кўтариб, қош-қовоғини очиб, кудилсираб. — Ахир ҳар бир хонадонда еб-ичганимни ҳам қилиш учун юриб турмасам, ҳаракат қилмасам ўлиб қоламан-ку, домлажон! Унда менсиз нима қиласиз?

— Тўғри айтасан Сомсоқбой, — дебдилар бунга жавобан Саидкамолхон домла қулиб. — Ҳаракатда баракат, дейдилар. Ҳўш, энди сенга яна нима иш бюярсан экан-а?..

Искандар РАҲМОН

Ҳаётим

**ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ
МУҲИМ ҒАЛАБАСИ**

«Трактор» — «Навбахор» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув билан мамлакат XIII миллий чемпионатининг 20-тур баҳслари ниҳосига етди.

Мутахассислар муҳлислар башорат қилишганидек, ушбу беллашув ниҳоятда муросасиз ва қизиқарли кечди. Сабаби, «Навбахор» чемпионатнинг совринли ўринларидан бирига даъвогарлик қилаётган бўлса, тошкентлик футболчилар ҳам кучли олтиликдан жой эгаллашни ният қилишган. Шу боисми, ҳар икки жамоа тезкор, комбинацион, хужумкор ўйин намойиш этишиб ғалаба сари интилаётганликларини яшириб ўтиришмади. Мухлислар эса 90 дақиқа давомиди 3 та голнинг тувохи бўлишди. Қизиқарли баҳс 2:1 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан аяқланди. Дарвозаларга тўпларни «Трактор»дан Солоним, Раҳимов, «Навбахор»дан тўпуарлар баҳсида қарвонбошлик қилаётган Мирхолдиршоев йўллашди.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 16 октябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Мабодо тананинг бирор кўзга ташланадиган жойида сўгал бўлса, ўша одам ўзида ноқулайлик сезади. Умуман олганда, сўгал кишининг ҳусни-жамолига раҳна солмай қўймайди. Вахоланки, сўгалдан ҳоли бўлишининг осон ва жўн амаллари бор.

Турқона даволар

СЎГАЛНИ ЙЎҚОТИШ УСУЛЛАРИ

Уй шароитида қуйидаги оддий амаллар билан сўгални йўқотиш мумкин. Бунда хонадонда, ошхона бисотида мавжуд бўлувчи воситалардан ўз ўрнида фойдаланилса бўлган.

● Агар, ҳар куни сўгални саримсоқ бўлаги билан ишқаб турилса, ижобий натижага эришилади.

● Ҳар куни кечки пайт сўгални томизгин билан (ишлатилган бир бор кўллануви нишдор доридишидан фойдаланилса ҳам бўлади) сирка ачили эҳтиётқорона томизилса, сўгалдан нишонга қолмайди.

● Хали кичик, мурғак сўгалларни момақаймоқ (гулқоқи, қоқи) гиёҳининг «сути» ёрдамида ҳам йўқотиш мумкин.

● Қалдирғочўт (қончўп-чистотель) гиёҳининг сархиллигидаги шарбат

билан кунига икки маҳал сўгални артиб туриш орқали уни йўқотиш мумкин.

● Четан (рябина, шулибодринг) меваларини ҳали ғўралигида олиб эзилади. Мазкур маҳсулотни сўгалга мутасил равишда суртиб турилса, улардан ном-нишон қолмайди.

● Новдали сутлама ўсимлигининг сут-шираси, қатрони билан сўгалга суриш муолажаси бир неча бор қўлланилгач сўгаллар қораяди. Шунда кичик қайчи билан сўгалнинг қорайган қисми қирқиб ташланиб, яна ўсимликнинг сут шираси суртиб турилади. Шундай тартибда сўгаллар обдон йўқолиб кетгунича даволаш амали олиб борилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилмииз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70,
звонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табак офсет
усули билан босилди.
2680 нуска босилди. Қоғоз бирими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жұма кўнари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563*

Наشريн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.